




**«ЎЛИКНИ ТИРИЛТИРГАН»
ШИНОКОРЛАР**

3-бет



**ВАҚТ —
УШИБ БОРАЁТГАН ҚУШ...**

**Олий Мажлис депутати,
ёзувчи ва таржимон
Иброҳим Ғафуров
билан суҳбат**

4-бет



**БУДЛАР ФАОЛИЯТИ:
ИСЛОҲОТ ДАВОМ ЭТАДИ**

Мулоҳаза

5-бет



Суд очерки

**ИСКАНДАРНИНГ
ШОҲИ СИНАИ**

6-бет

Mustaqillik huquq demakdir

НИШОШО

05

(268)

YURIDIK GAZETA

Fevral				
D	3	10	17	24
S	4	11	18	25
Ch	5	12	19	26
P	6	13	20	27
J	7	14	21	28
Sh	1	8	15	22
Y	2	9	16	23

2003

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan.

E-mail: huquq@Infonet.uz

● **Алишер Навоий таваллудининг
562 йиллиги олдидан**

НАВОИЙ ТАЛҚИНИДА АДОЛАТ

Ривожланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига синдириш бугунги кундаги энг муҳим вазифамиздир. Бунинг учун ажодлар ўғитларига амал қилишимиз, ёш авлоднинг ажодларимиз мероси билан қуроллантиришимиз зарур. Биринчи ўринда юртда комил инсонларни тарбиялаш учун ўша юрт подшоеси етук, адолатпарвар бўлиши лозим.

Адолат тушунчаси қадимдан долзарб мавзу бўлиб келган. Маданият, маънавият ва илм ривожланиши билан адолат ҳам ўсиб борган. Буёқ шоиримиз Алишер Навоий «Хайратул-аброр» дostonида адолат ҳақида фикр юритиб шундай дейди:

*«Бўлди раият галаву, сен — шубон,
У шажари галаву, сен — боғбон.
Кўйни шубон асрамаса ойу йил,
Оч бўрилар тўмасидир бори бил.
Бўриши доғи галадин дур қил,
Сув берибон боғи маъмур қил».*

Шоир ўхшатишлар орқали чўпон ўз қўйларига, боғбон боғига қандай ғамхўрлик қилса, подшо ҳам ўз халқига шундай ғамхўрлик қилиши кераклигини айтади. Навоий юртининг тақдирини подшога боғлар эди. Подшо адолатидан оққан зилол сувлар халққа роҳат бағишлаши керак. Қуръонда ҳам: «Инналлоҳа яъмура биллаҳи вал-аҳсон» (уларга Аллоҳ адл ва эҳсонни буюрган), — дейилган.

Навоий шохни ўз бойлиги билан гурурланиб кетмасликка чақиради. Ислому таълимотида ҳам Аллоҳ олдида шоху гадонинг тенглиги, инсофу адолат, ҳалол ва ҳаром каби ахлоқ қоидалари борлиги, фуқароларнинг шох олдидаги, шохнинг фуқаро олдидаги ҳуқуқ ва масъулиятлари белгиланган. Шу жумладан Навоий ҳам тенглик ҳақида:

*«Бил муниким, сен доғи бир бандасен,
Кўпрагидан ожизу афғондасен.
Эрмас алар тудроғу сен нури пок,
Хилқат алар гаву сенга тийра хок»* —

дея муножаат қилади. Яъни, сен ҳам улар сингари тупроқдан яралгансан. Фақат сенинг иқболинг баланглик қилиб юксак мартабага эга бўлдинг. Лекин бу мартаба сенга кўпгина ҳуқуқ ва имтиёз берса-да, бир қанча хизматларни ҳам талаб қилади. Булар: доимо халқнинг ғамида бўлиш, адл билан иш юритиш.

Адолатни рўйбга чиқариш шоирнинг эзгу мақсади эди. У ижоди давомида кўпгина адолатпарвар ҳукмдорлар образини яратди. Чиннинг ёш шаҳзода



Фарход, Рум шохининг асранди ўғли Искандар, Фарҳоднинг эмиқдоши Баҳром, Мехинбону, шох Навфал каби образлар шулар жумласидандир.

*Шоҳи ишни адл ила бунёд этар,
Адл бузуқ муакки обод этар.*

Навоий «Маҳбул-қулуб»да: «Одил шох қуёш билан баҳор ёмғиридек қора тупроқдан гуллар очади ва мамлакат халқи бошига олтин билан дурлар сочади. Золим подшонинг базмида май-бода сели туғён қилиб, бу селда мамлакат ободлиги вайрон бўлади», — дея таърифлайди.

Адолатли шох ўзининг ҳаёси, ростўйлиги, адолатпарварлиги, ҳуқуқи билан раиятга манзур бўлмоғи даркор.

Ўтмишсиз келажақ йўқ. Президентимиз Ислому Каримов ҳам Навоий бобомиз илгари сурган ғояларга амал қилмоқда. «Эгилган бошни қилич кесмас» деганларидек Конституциямизнинг 11 йиллиги муносабати билан юртбошимиз ўз хатосини тушуниб етган кўплаб жиноятчиларни кечирди ва уларни жазодан озод этди. Бу инсонларварликдан нишона.

Дилноза НАМОЗОВА,
НДПИ қошидаги академик лицейнинг
3-курс талабаси

**ВАҚТ —
УШИБ БОРАЁТГАН ҚУШ...**

**Олий Мажлис депутати, ёзувчи ва
таржимон Иброҳим Ғафуров билан суҳбат**

— *Тоғо суяниб, гоҳ қуйганимизга қарамай вақт инсон тасарруфиди эмас. Шунданми, баъзи кишилар доим вақт етишмаслигидан нолашадилар. Бу борада фикрингиз қандай?*

— Вақт — осмонда учиб бораётган қуш. Дунёга келдингиз: бошингизга сояси ё тушди, ё тушмади. Сизнинг толейингизга қайрилиб қаради, ё қарамади. Қанча уринманг, унинг қаерга, нима мақсадда кетиб бораётганини ҳам билолмайсиз. Зум кўринади, зумда гойиб бўлади. Сиз кузатибгина қоласиз вақтни. Лекин уни қутиб ололмайсиз. Бу самовий вақт. У ҳеч нарсага тобе эмас. Ҳамма нарсалар унинг ичиди: пайдо бўлади, йўқолади, яна қайта пайдо бўлади. Бундай вақт самовий, фалсафий ҳодиса. У ҳаво, ўт, сув, нур каби моддий эмас.

Одам боласи само, қуёш, ер, ой, шамолларнинг айланишига қараб кеча-кундузларни ойу йиллар, асрлар, мингйилликлар, соатлар, дақиқалар, сониялар ва сонияларнинг илғаб бўлмас улушларига бўлди. Йигирма тўрт соат — бир кеча-кундуз — вақт ҳақидаги тушунчанимиз ҳозирча шу. Келажақда бу тушунча ўзгариши мумкин. Лекин бунинг учун одамзоднинг ақли, вужуди ҳам ўзгариши керак. Кеча-кундуз — нисбий ўлчов. Коинот айланиб турибди. Унинг нур тезлигидаги мезонлар билан ўлчанадиган ўз ўлчовлари бор.

(Давоми 4-бетда)

ҲАЙЪАТ ЙИГИЛИШИ

Яқинда Фарғона вилоят прокуратурасининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда шаҳар, туман прокуратура органлари ходимлари, вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари иштирок этдилар.

Вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари М.Қурбонов вилоят прокуратураси идораларида ўтган йили қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш борасида қилинган ишларининг яқунлари ва келгуси вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Ҳайъат йиғилишида муҳокамага қўйилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Чоршанбадан Чоршанбагача

29 январь

Олий Мажлисида «Хайрия фаолиятини ҳуқуқий бошқариш: хориж тажрибаси» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

30 январь

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислому Каримов Россия Федерацияси Президенти маъмуриятининг раҳбари Александр Волошинни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Оксаройда Париж-4 Сарбонна ва Париж-Сюд 11 университетлари президентлари Жорж Молинье ҳамда Ксавье Шапиозаларни қабул қилди.

Ўтган ҳафтининг пайшанба ва жума кунлари Тошкентда «Иқтисодиёти ўтти даврида бўлган мамлакатларда иқтисодий ислохотлар ва хорижий сармоёларни жалб этиш жараёни: ўтмиш сабоқлари ва Марказий Осиёнинг ривожланиш истиқболлари» мавзусида икки кунлик халқаро семинар бўлиб ўтди.

Моҳият

Агар эл қилмади

ҳимоят санга,

Ўзингдан керакдир

шикоят санга.

Алишер НАВОИЙ

МАСЪУЛ КОТИБЛАР ЎҚУВИ

Республика Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш марказида маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари комиссияларининг масъул котиблари билан ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ушбу йўналишда давлат идоралари ва комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш мақсадида ўқув машғулотлари ўтказилди.

Бир ҳафта давом этган машғулотларда тингловчилар Бош прокуратуранинг бўлим бошлиқлари, Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов

ҳодимларининг малакасини ошириш маркази ўқитувчиларининг, шунингдек турли вазирлик, жамоат ташиқлотлари масъул ходимларининг вояга етмаганлар ҳақ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маърузаларини тингладилар.

Тингловчилар шунингдек, Олий Мажлисининг Ёшлар қўмитаси, Қибрай тумани ҳокимияти ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг фаолияти билан яқиндан танишдилар; Зангиота туманидаги тарбия колониясида бўлиб, муассаса маъмурияти иш тажрибаси билан ўртоқлашдилар.

О.ХОЛИҚОВ,

Ўқув марказининг катта ўқитувчиси

✓ ISTE'MOLCHILAR HUQUQI QONUN HIMOYASIDA


Хуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятида инсон ҳуқуқлари олий кадрият деб эътироф этилади. Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорларда бу тамойил ўз ифодасини топмоқда. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонун шулар жумласидандир. Вазирлар Мақамасининг 2002 йил 6 май куни қабул қилинган «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ушбу қонуннинг тўла-тўқис ижро этилиши бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб берди.

дан озод этилди.

Бу тадбирлар самара бериб, юртимизнинг ўзиде турли истеъмол товарлари ишлаб чиқариш йўлга қўйила бошланди. Бироқ аксарият тадбиркорларни дарҳол катта даромад олиш жозибаси ром этди. Улар маълум вақт ўтгандан кейингина фойда келтирадиган истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни қуришдан кўра чет эллардан тайёр маҳсулот олиб келиб сотишни афзал кўрдилар. Лекин уларнинг тажрибасизлиги, савдо соҳасида жаҳон ҳамжамиятида амал қилиб келаётган қонун-қоидалардан беаҳабарлиги туфайли бозорларимиз мувофиқлик сертификати, сифат кафолати бўлмаган, истеъмол мuddати кўрсатилмаган товарларга тўдириб юборилди. Қўришидан чиройли, бироқ бир-икки ойдаёқ яроқсиз ҳолга келадиган

тасарруфига ўтказилди. Ҳозиргача шундан 391 млн сўмлиги сотилиб, пули давлат бюджетига туширилди. Қонунчилик талаблари тегишли идоралар томонидан аниқ ва бир хилда бажарилиши, шунингдек маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги нарх белгилаш комиссиялари фаолиятининг самарадорлиги мунтазам таҳлил қилиб борилаяпти. Давлат тасарруфига ўтказилган товарларни сотишга ихтисослаштирилган дўконлар ишини янада яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Қонунбузилишларнинг олдини олиш учун қарор моҳиятини аҳолига етказишга алоҳида эътибор бераёلمиз. Шу мақсадда қатор тадбирлар ўтказилди.

Шунга қарамай, айрим шахслар ҳамон четдан ноконуний маҳсулот олиб келишга уринишапти. Хусусан, Асака туманидаги «Шарқ ҳақиқати» ширкат хўжалигида яшовчи Х.Ҳўжалиев 14 млн. сўмлик газламаларни сотиш мақсадида Қирғизистондан ноконуний равиш-



«ЎЛИКНИ ТИРИЛТИРГАН» ШИФОКОРЛАР

✓ AJAB SAVDOLAR

Мемага тушганнинг жони бир дейдилар. Эҳтимол Шовот туманидаги вилоят уруш катнашчилари шифохонаси бош врачлари Матёқуб Отахоновга ўзи раҳбарлик қилаётган шифохона кимсасиз денгизда сузиб кетаётган мемага ўхшаб кўрингандир. Шунданми, у бир неча ходимлари билан «бир жон» бўлиб ажаб режалар тузиб олди. Одатда, мемага чиқмаган йўловчилар денгиз ўртасида ўз-ўзидан унга чиқа олмайди. Лекин М.Отахоновнинг бу ажабтовур «мега»сига қирғоқдагиларгина эмас, ҳатто вафот этиб кетган канчадан-канча йўловчилар бемалол «чикар», мега ошхонасида бир неча миллион сўмлик озиқ-овкатларни ейишар, канчалаб дори-дармонлар билан кунлаб, ҳафта-лаб «муолажа» ҳам олишар эди. Бу шифокорларнинг «ўлиқни тирилтириш» маҳорати қойил қолмай бўлади-ми?!

Гап шундаки, М.Отахонов қўл остидаги Ш.Саидов, Ш.Эркабоева, М.Бойжонова, Р.Бобохонова, З.Отахонова, Ф.Эшонкулова, Б.Ҳақимов сингари ходимлар билан биргаликда нафақат кексаларни, балки вафот этган қарияларни ҳам каттик «сийлаб» юбордилар. Улар мазкур шифохонада ётиб даволанмаган кишилар, умуман йўқ ва вафот этган 263 шахс номига сохта касаллик рақамлари очиб, озиқ-овкат маҳсулотларини, дори-дармонларни харажат қилинган деб кўрсатиб давлатнинг 3.250.000 сўмдан зиёд маблағини талон-тарож қилдилар.

Гувоҳ Х.Саидовнинг айтишича, унинг отаси Кўчкор Саидов оламдан ўтган, ушбу «мўъжизавий» шифохонада даволанмаган экан.

Водари!

Сирлари ошкор бўлган шифокорлар шифохонага етказилган зарарни қоплаб, тегишли жазосини олдилар ҳам. Бироқ виждон азоби уларни ҳеч қачон тарқ этмаса керак...

Гулимоёв ЯНГИБОВ,
Шовот тумани прокурори

ҲАҚИҚИЙ ТАДБИРКОР ЭРТАНГИ КУНИ, ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ ИШЛАЙДИ

Мазкур қарор, биринчидан, ички бозорни, иккинчидан, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва ниҳоят ўзимизда истеъмол моллари ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришни кўзлайди. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичида, эски иқтисодий алоқалар узилиб, товар тақчиллиги сезила бошлаганда истеъмол бозорини тўлдириш зарурати туғилган эди. Шунга мувофиқ қонуний асосда тадбиркорларга чет эллардан халқ истеъмоли моллари келтириш ва савдо қилиш имкониятлари яратилди. Айни чоғда юртимизда ана шундай товарларни ишлаб чиқаришни кўзлаган ишбилармонларга қўшма корхоналар ташкил этиш, илгор технологияларни ишга солиш борасида бир қатор имтиёзлар берилди. Жумладан, улар муайян мuddатга солиқлар-

пойафзал, кийим-кечак, уй-рўзгор буюмларини «импорт» ёрликларига ишониб харид қилиб, қуймаган истеъмолчилар камдан-кам бўлса керак. Бироқ ўз ҳаққини талаб қиладиган истеъмолчилар бармоқ билан санарли. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишга одатланмагани айрим тадбиркорлар тегиримонига сув қуяётган эди.

Андижон вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ҳамкорликдаги тадбирлари жараёнида ҳозиргача аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 2000 нафардан ортиқ шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди, 71 та ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди. Қарор талабларига эид равишда мамлакатимиз ҳудудига олиб килинган 650 млн сўмлик истеъмол моллари далилий ашё сифатида олинди, 405 млн сўмлиги давлат

да олиб келиб, хонадонига сақлаётгани аниқланди. Товарлар далилий ашё сифатида олинди, жиноят иши қўзғатилди.

Такор айтмоқчиманки, ушбу қарор четдан товар ва маҳсулот олиб келишни ва савдо қилишни ҳеч қимга таъқиқламайди. Сифат сертификати бўлган, бохжона ҳужжатлари расмийлаштирилган товарлар билан бемалол савдо қилиш мумкин. Лекин четдан тайёр маҳсулот харид қилгандан кўра, технология олиб келиб товар ишлаб чиқаришни ўзимизда йўлга қўйиш мамлакатимиз учун фойдалирокдир.

Абдуваҳоб ТУРҒУНБОВ,
Андижон вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими бошлиғи



✓ YODNOMA

ЖОНКУЯР ОЛИМ ЭДИ...

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, юридик фанлар доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Анвар Агзамхўжаев ҳаёт бўлганида ҳозир 75 ёшга тўлган бўларди.

А. Агзамхўжаев илмий фаолиятда баракали изланишлар олиб борган, юзлаб илмий мақолалар, рисолалар ва долзарб мавзуларда ўнлаб монографиялар чикарган олим эди.

Ў кишининг раҳбарлигида докторлик ва номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ёқлаган кўплаб ёш олимлар ва олималар домлани ҳурмат билан ёдга оладилар. Шу жумладан ўзим ҳам ТошДУнинг у киши раҳбарлик қилган юридик факультети Жиноят ҳуқуқи кафедрасида ўн йилдан зиёд ишлаганман. Анвар Агзамхўжаев ҳамкасбларига меҳрибон, шу билан бир вақтда билимини, меҳнат интизомини қаттиқ талаб қиладиган раҳбар эдилар.

Домла Ўзбекистонда суд ҳокимиятини мустаҳкамлашга ҳам баракали ҳисса қўшган. Адлия вазирининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган даврида суд ходимларини танлаш ва жой-жойига қўйиш, адлия ходимларини тарбиялаш ва малакасини оширишга анчагина меҳнати сингган.

75 йиллик таваллуд айёмида барчамиз, яъни домланинг шогирдлари ва у киши билан бирга ишлаган ҳамкасблари Анвар Агзамхўжаевнинг руҳлари шод бўлишини тилаб қоламиз.

Эгамберди ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги ўқув маркази кафедра мудири,
3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси, юридик фанлари доктори, профессор

✓ TADBIR

Туман прокурори Б.Ҳақназаров йиғилганларга ўтган даврда туманда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишлар қониқарли даражада олиб борилмаганлиги, шу сабабли улар томонидан содир қилинган жиноятлар сони 2001 йилга нисбатан 34 тадан 70 тага, яъни 105 фоиз ошганли-

ги ҳақида маълумот берди. Аксарият жиноятларни нотинч оилалардаги, қаровсиз қолган эшлар содир этишган. Яна бир таъширларнинг жиҳати шундаки, вояга етмаганлар содир этган жиноятларнинг 32 фоизи мактаб ўқувчилари ҳиссасига тўғри келади. Туманда кўплаб спорт секциялари, турли тўғарақлар ишлаб туришига қарама-дасдан ешларни бу жойларга қизиқтириш ишлари қониқарли даражада бўлмаган.

Ушбу маълумотларни ўқиган муштарийларимизда, нега вояга етмаганлар жиноят қилишди, уларни бунга нима ундайди, деган савол туғилиши табиий. Жиноятчи психологияси қўп қиррали ва ҳали барча жаҳалари очилди бўлмаган масаладир. Ўсмирлар психологияси ва уларни жиноят қўшасига олиб кўрувчи омиллар ҳақида психология фанлари доктори Раъно Исмоилова шундай фикр юритади:

Бугунги кунда вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг учраши оғриқ нуқталаримиздан бири бўлиб қоляпти. Яқинда Мирзо Улўғбек тумани ИИБда айни шу масала — 2003 йилда вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигини қучайтириш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Мирзо Улўғбек тумани ИИБ бошлиғи, туман ҳокими ўринбосари — вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси ва жиноят ишлари бўйича туман суди раиси қатнашишди. Шунингдек, йиғилишда тумандаги маҳалла раислари, мактаб директорлари, педагог-тарбиячилар ва профилактика инспекторлари иштирок этдилар.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

— Ўсмирларда жисмоний ва руҳий ривожланиш жараёни узаро боғлиқ ҳолда, лекин бир вақтда кечмайди. Жисмоний ва руҳий ривожланиш турли темпга эга. Ўсмирлар руҳиятида кескин фарқлар мавжуд. Ўсмир бир воқеага катта ёшли кишидай муносабатда бўлса, бошқаси ҳақида ёш бола сингари фикр юритади. Болалар ва катта ёшлиларга хос жиҳатлар ўсмир руҳиятида бир пайтда яшай бошлайди. Бу давр инсон психикасидаги қарама-қаршиликлар давридир. Айнан шу вазиятда ўсмирлар ва катталар, атрофдагилар ўртасида қарама-қаршиликлар келиб чиқади. Ўсмирлик даври қанча вақт давом этиши кўпинча тарбия шароитига боғлиқ бўлади. Бу боладан нималар талаб этилиши, унинг олдида қандай ижтимоий, ахлоқий талаблар қўйилишига боғлиқ. Боладан бўйсунми талаб этилса, катталардан ташаббускорлик ва мустақиллик талаб этилади. Шунинг-

дек, ўсмирнинг катталар томонидан тан олинмаслиги, унга доимо ёш болага муомила қилгандек муносабатда бўлиш ҳам унинг руҳиятида кескин эътизорларни келтириб чиқаради. Аксар ҳолларда ўсмир ўзини қўрастишга, қандайдир катта ишларни бажара олишга қодир эканлигини бошқаларга билдириб қўйишга ҳаракат қилади. Одатда жиноятга мойил ўсмирларнинг руҳиятида айнан ўзини тўлқ ҳис эга олмастик туйғуси ётади. Оқибатда ўсмир ҳеч ўйламаддан жиноятга қўл уради. Ва ўзини ҳур доим оқлайди, гўё у эмас, атрофдагилар айбдор. Қўп ҳолда болалар бирон нимадан маҳрум бўлганда ўғирликка қўл урадилар. Кимгадир тақдирдан ҳаракат қилиш, эътибор қозониш қўп нарсаларга эга бўлиш ҳисси ўсмирлар жиноятчилигининг психологик сабабларидан биридир.

Жаҳонгир МАХСУМОВ,
«HUUQUQ» мухбири

ПРОКУРОР

ҲИМОЯ ҚИЛАДИ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ ФОШ ЭТАДИ



Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган жамоатчилик назорати гуруҳлари фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунбузарликларнинг олдини олиш борасида ҳам фаол иш юритмоқдалар. «Чек» қишлоқ фуқаролар йиғини жамоатчилик назорати гуруҳи А.Икромов номли ширкат ҳўжалиги чорвачилик фермасида қорамоллар сақлинишини ўрганиб, Қувасой шаҳар прокуратурасига тақдим этган ҳужжатлар асосида қўзғатилган жиноят иши бунга мисол бўла олади.

2001 йили ушбу фермага Умид Юнусов мудири этиб тайинланганди. Олий маълумотли зоотехник ферма иқтисодини ўнглаб, оёққа турғизади дея умид қилишганди. Бироқ у умидларини бир йилдаёқ пучга чиқарди. Жамоатчилик назорати гуруҳи қорамолларни санокдан ўтказганда жами 61 бош, шулардан 23 таси сигир, қолгани гунажин, новвос ва бузоқлар бўлиб чиқди. 2001 йил октябрь ойида фермада ўтказилган аудиторлик текширувида эса 49 бош сигир, жами 68 бош қорамол ҳисобга қўйилган эди. «Қандай қилиб сигирлар бузоққа айланиб қолди?» деган саволга ферма мудири «ҳа энди, ёшартирдик-да» деб лўнда жавоб билан қутулмоқчи бўлди. У.Юнусовнинг антиқа «ёшартириш усули» назоратчиларни қизиқтириб қўйди.

— Қарасам, қари сигирлар кўп, оз сўт беради, муңкиллаб қолган еттитасини сўйиб, гўштини Фаргона дехқон бозоридagi қасосболларга сотдим. Яна тўққизтасини Фарго-

надаги мол бозорида сотиб, ўрнига ўн олтига бузоқча сотиб олдим. Мана ўша бузоқчаларни кўриб турибсизлар!

Агар У.Юнусов ҳақиқатан ферма истиқболини ўйлаб, 16 та сигирнинг пулига яраша ўттиз-қирқта бузоқчани фермага келтириб қўйганида «отанга балли, азамат» қаби-

қин? Терговда аниқланишича, У.Юнусов жамоа мулкани талон-тарож қилиш билан бирга ҳўжатларни қалбакилаштиришни ҳам «қойиллатган». Йўқ сигирларни бор деб, 23 та ўрнига 42, 40, 39 та деб ёзиб, ҳисобчи ва бошқарув раисини кўндириб, сохта маълумотларни статистика бошқармасига топ-

ЁШАРТИРИШНИНГ АНТИҚА УСУЛИ

лида олқиш олган бўларди. Қимматга сотилган сигирлар билан арзонга олинган бузоқларнинг пули ўртасидаги фарқ «уддабурон» ферма мудирига нисбатан жиноят иши қўзғатишга асос бўлди.

— Сигирлар ориқ эди, гўштиям, тиригиям арзиманган пулга сотилди, бу пулга ўн олтигадан ортиқ бузоқ бермасди, — дейди содда олғир У.Юнусов терговда.

Мутахассислар ўша пайтдаги нарҳда сотилган ориқ сигирларнинг ва улар ўрнига сотиб олинган бузоқларнинг қийматини аниқлашди. 16 та сигирнинг баланс баҳоси 4.331.520 сўм, 16 та бузоқнинг баланс баҳоси эса 1.961.280 сўм бўлиб, ўртадаги 2.370.240 сўм фарқни У.Юнусов жигилдонига жойлаган. Ҳисоб-китоблар 2001 йил декабрь ойидан 2002 йил июль ойигача 16 та соғин сигирдан 6400 килограмм зед, ўша пайтдаги нарҳда 72 минг сўмлик сўт соғиб олиниши мумкинлигини кўрсатди. Бундан ташқари 3 та сигирдан 3 та бузоқ олиниши қутилмаётгани. Савол туғилади, ферма мудирининг номаъқул ишларидан А.Икромов номли ширкат ҳўжалиги раҳбарияти қандок қилиб гафлатда қолдй-

шираверган. Масъул мансабдор шахслар суриштирмасдан ҳўжатларни имзолаб бераверишган. Ким билади, балки суриштиришгандир...

Ушбу жиноят ишини кўриб чиққан Қувасой шаҳар суди У.Юнусовнинг ширкат ҳўжалигига етказган зарари ўрнини қоллаганини, айбига иқроғлиги ва қилмишидан пушаймонлигини эътиборга олиб, уни тегишли жазага тортиди.

Миродил АЛИМОВ,
Қувасой шаҳар прокуратурининг
ёрдамчиси

Вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши назорат предмети ҳисобланади.

«Прокуратура тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикаси Қонунининг
24-моддаси

ОЗОДЛИК ҚАДРИ

Гуноҳсиз банданинг ўзи йўқ. Аммо одам ўз гуноҳини тан олишдан чўчимаслиги керак. Акс ҳолда у ёвузлашади. Икром кўнгилдан риёни ҳайдайдди, гуноҳкорлик ҳисси таъжиб этганда ҳеч ким ёлғонга алданмайди. Алданмадимиз, демак бировни ҳам алдамайди.

Маҳкумлар ҳақида гап кетганда кўп ҳолларда туриш-турмуши турли ноҳақликларни содир этишдан иборат бўлган дипломат кишилар кўз олдимизга келиши одат бўлиб қолган. Аслида эса бундай хулоса чиқаришга ўширмаслигимиз лозим. Ахир ҳаёт ўнқир-чўнқирларида қандай воқеаларга дуч келмайди киши.

Муҳим саналар ва байрамларда эълон қилинадиган амнистиялар ана шу пастбаландликларни одилона баҳолаш учун бир воситадир. Мамлакат Президентининг 2002 йил 3 декабрда эълон қилинган амнистия тўғрисидаги фармони ҳам миллатимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик хислатларини ўзида мужассам этган эрк шабадаси бўлди. Унда даставвал аёллар, ногиронлар, кексалар ва воёга етмаганлар, эҳтиётсизлик тудфайли жиноят содир этган, ўз истамаган ҳолда жиноятга алоқадор бўлиб қолган шахсларни жазодан озод қилиш назарда тутилган.

Бу санани умид билан кутган маҳкумлар ва уларнинг қавм-қариндошлари фармон эълон қилинган кундан тарадудланиб қолишди. Гарчи фармонда афв

йўналишлари тушунарли тарзда қайд этилган бўлса-да, айнан ўзларига тааллуқли бандларни қайта-қайта сўраб олишдан эринишмади. Бундай табиий қизиқувчанликни инобатга олиб, фармоннинг моҳияти ҳақида бир неча бор учрашув, савол-жавоб кечалари ўтказилди. Амнистия талқини анча соддалаштирилган тартибда вилоятдаги «Қонун кучи» газетасида чоп этилиб, маҳкумлар эътиборига етказилди.

ЖИЭМларда қонунга риоя қилиниши устидан доимий назорат ўрнатилган бўлиб, маҳкумларни озод этиш амнистия акти бўйича қатъий тартибда амалга ошириляпти. Кузатув тантаналарида шаҳар фаоллари, вилоят ҳўққ-тарғибот идоралари вакиллари, журналистлар иштирок этиб, маҳкумларга ҳаётда ўз ўринларини топиб олишларида муваффақият тиладилар.

Озодликка чиқётган шахсларга тегишли ҳужжатлар билан бирга йўл ҳақи учун пул берилиб, махсус автобусларда белгиланган манзилгача кузатиб қўйилайди.

ЖИЭМда кечирган ҳаёти уларнинг аксарияти учун бир умрга сабоқ бўлиши шубҳасиз.

Абдузотир ХОЛМИРЗАЕВ,
Новоий вилояти прокуратурининг
катта ёрдамчиси

МАҲАЛЛАДА ДУВ-ДУВ ГАП...

Умримиз мазмунига айлана бошлаган янги йилимизни «Обод маҳалла йили» дея атадик. Ҳўш, маҳалла ободлиги нималарда акс этади? Биносининг кўркамлиги ва таъминотдаги бекам-кўстлик биланми?

Тўғри, моддиятни инкор этиб бўлмайди. Бироқ, биз учун маҳалла ободлигининг маънавий устунлари муҳимроқдир. Мулоҳазаларим янада тушунарли бўлиши учун айрим маҳаллаларда давом этаётган ўзибўларчилик оқибатида юз бераётган кўнгилсизликлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчи эдим.

Ашурали Холмуродов 1958 йилда Иштихон туманида туғилган. Нуробод шаҳридаги «Мустақиллик» кўчаси 35-уй 27-хонадонда яшаган. Ижтимоий фойдали меҳнат билан шугулланмай, бекор юришга одатланган. Ишлаб пул топиб, оила аъзоларини боқиб ўрнига Ашурали ҳар кунни топангани ичиб, маишатиға сарфлайверади.

Йигит мардикорчилик қилиб юриб, Самарқанд шаҳрида яшовчи Нурхон Турсунова ва унинг қонуний никоҳдан ўтмаган эри Абдунаби Тожибоев билан танишади. Уларнинг хонадонда бошланган ичкиликбозлик давомида Ашурали А.Тожибоев билан жанжаллашиб қолади. Сўнгра Н.Турсунова билан жиноий тил бириктириб, кекса ва ожиз аҳволдаги олдиндан аён бўлган А.Тожибоевни қўлга олиради. Кейин жиноят изини яшириш мақсадида жасадни қўнанинг овлоқроқ жойига улқотириб, қочиб кетади. Ҳафталаб шаҳарда яшаб, ялло қилиб юрган Ашуралининг мушугини на участка нозирини, на маҳалла мутасаддилари «пишт» демаган.

Шаҳарда безори ва бекорчилар йўқ деб ўйлайсизми? Ҳар қалай етарлича. Аммо маҳалла-кўй, кўни-кўшилар сезгирроқ бўлишиб, келиб чиқиси мумкин бўлган қонунбузарликларнинг олдини олишса, нур устига нур бўлмасмиди?

Юқоридagi сингари ҳодиса юз берган куннинг эртасида гузар ва маҳаллаларда дув-дув гап бўлиб, тафсилотлар муҳокама этилган бўлиши турган гап. Аммо маҳалла оқсоқоллари бундай воқеаларнинг олдини олиш борасида ҳали-ҳануз бирор жўяли фикр айта олганларини йўқ.

Ўйлайманки, «Обод маҳалла» йилида бу каби лоқайдликларга барҳам берилади.

Муҳиддин БЕКМУРОДОВ,
Темирўл тумани прокурори

ИШГА ТИКЛАНИШДИ

Сурхондарё вилоят прокуратурасига кўплаб фуқаролар ариза-шиқоятлар билан мурожаат қилишди. Улар орасида ишга тиклашда ёрдам кўрсатишни сўроғчилар ҳам анчагина. Аксарият ҳолларда уларнинг талаби ижобий ҳал этилмади.

Вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими бошлиғи Ш.САФАРОВ ана шундай ҳолатлардан бири ҳақида куйдагиларни маълум қилади:

— Фуқаро С.Саудова «Сурхонпахтасаноат» худудий акция-

дорлик бирлашмаси раҳбарлари уни ноқонуний равишда ишдан бўшатгани ҳақида вилоят прокурори номига ариза билан мурожаат қилди. Ушбу ҳолат юзасидан ўтказилган текширишда аниқланишича, бирлашма раҳбарлари билан тайёрлов бўлими етакчи мутахассиси С.Саудова ўртасида низо пайдо бўлган. Натижада аввалда, 2002 йилнинг 18 сентябрь кунини бирлашма бошқаруви раиси М.Расулов имзоси билан С.Саудова эғлалаб турган вазифани қисқартириш тўғрисида 131-«к» бўйрўқ чиқарилади. Аммо амалдорларни бу ҳам қаноатлантирмайди. Шу боис эртаси кунийк ходимни Меҳнат кодекси 100-моддасининг бирйўла 1, 2, 3 ва 4-қисмларига асосан ишдан бўшатиш тўғрисида 95-«п» бўйрўқ тайёрланади. Бирлашма раиси мазкур иккинчи бўйрўққа ҳам имзо чеккан.

МКнинг 100-моддаси 1-қисмига асосан жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олмадан туриб меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмайди. Тегишли жамоа шартномасида шундай ҳолат назарда тутилган бўлса-да, ходим билан тузилган меҳнат шартномасини маъмурият ташаббуси

билан бекор қилиш юзасидан касаба уюшмасининг розилиги олинмасдан қонун кўпол равишда бузилган. Бундан ташқари, маълум бўлишича, бирлашмада штатлар қисқартирилмаган. Шунингдек, ушбу ходимнинг малакаси етарли эмаслиги ҳақида аттестация хулосаси, соғлиги ҳолатига кўра у бажарайтган ишга нолойиқ бўлиб қолганлиги тўғрисида тиббий хулоса мавжуд эмас. Унинг меҳнат интизомини мунтазам бузиб келганлигини тасдиқловчи ҳеч қандай асос йўқ. Чунки йил давомида бирор марта ҳам интизомий жавобгарликка тортилмаган.

Дарвоқе, бирлашма бош мутахассиси В.Авдеевага нисбатан ҳам худди шундай ноҳақликка йўл қўйилган.

Юқорида баён этилганларга асосан вилоят прокуратураси «Сурхонпахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси раиси М.Расулов номига 95-«п» бўйрўқнинг В.Авдеева ва С.Саудоваларни ишдан бўшатиш тўғрисидаги 3-қисминини қонунга хилоф бўлгани учун бекор қилиш, уларни қайтадан ишга тиклаш ҳамда мажбурий проғул вақти учун иш ҳақи тўлаш ҳақида протест киритди. Шунга биноан мазкур ходимлар тезда ўз вазифаларига тикландилар.

Прокуратура ходимлари қонуний ҳўқққ ва манфаатлари бузилган фуқароларни ҳимоя қилишнинг ўзининг устувор вазифаларидан бири деб билади.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ,
«HUQUQ» муҳбири

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Одамзод, махлуқот, юлдузлар ва буржлар бўлмаган замонларда ҳам вақт бўлган. Одамзод тарихини қарасангиз, бор-йўғи беш минг-ўн минг йил. Тарихнинг нариги томони эса чексиз, чегарасиз, сир-синоатларга тўлиб ётган вақт, бизга фақат тасаввурулар ва фантазияларгина қолган.

Шу чексизлик-бепойнликда битта жамлама юрак бор. У барча тирик ва биз жонсиз деб биладиган махлуқотларнинг юраги. Вақт деган нарсангиз шу битта, ягона юрак ичидан ўтади. Вақтни юрак хис қилади, сезади.

Вақт юракда уриб туради. У юрагимизда уриб тургани учун ҳам вақтга, унинг ўтишига жуда назоратчи. Одамга ҳамма вақт у жуда ҳам қисқа бўлиб туюлади. Одам боласига доим, муттасил суратда вақт ётмайди. Вақт етмаслигидан нолимаган кимсани учратмаганман. Аслида вақт етмайди. Хар қандай ишга вақт етмайди. Хар қандай ишга етарли вақт ажратилган.

Одам болалик чоғларида вақтини қаерга қўйишни, уни нима қилишни билмайди. Болалик чоғларингизда вақт ўтмаётганга ўхшайди, жуда имиллаб ўтаётгандек кўринади. Одам катталарга, кексаларга ҳавас қилади. Қачон мен ҳам катта бўламан, дейди. Катталарнинг ҳамма нарсаси бор: уйлари, машиналари, касб-корлари, дўстлари, яқинлари, кийим-кечаклари ва энг муҳими, хоҳлаган ишни қилишади, хоҳлаганча еб-ичишади... Болаликнинг эса болаликдан бошқа ҳеч нарсаси йўқ. Шунинг учун болаликнинг вақти бепойн ва у ҳеч олға силжимаётгандек туюлади.

Вақтни тутиб бўлмайди. Ҳеч ким уни орқага қайтаролмайди. Лекин соф инсоний нуқтаи назардан қараганда, болаликдан бошлаб вақтни ютган — ютади. Сизга ажратилган вақтнинг чегараси бор, албатта. У чангалнингиздаги бир ҳовуч қумдек тўхтовсиз ва аёвсиз тарзда тўкилиб туради. Одамлар шунга қараб: «вақтнинг қўлдан берма. Вақтнинг кетди — бахтинг кетди» каби хикматли гапларни ҳаёт ва толе тахрибларидан топганлар.

Одам учун вақтнинг бир хусусияти: у доимо моддийлашиб боришга мойил бўлади. Болаликда у тўғри тарбия орқали моддийлашади, яъни бизнинг феъл-атворимизга айланади. Болаликда одам илмлар, тиллар, ҳунарлар, санъатларни тез ва ҳўб ўрганади. Спорт машулотлари воситасида жиҳсонан мустаҳкамланади, инсоний, ижтимоий вази-фаларни бажаришга қобилият касб этади. Тарбия ва илмлар орқали эса оқил ва маънан бойийди. Баъзан бу сават ишлаб, ўн соатлаб дам олаётган, яъни вақтини соҳураётганларга бот-бот дуч келамиз. Улар бир соат ишлаб, ўзларини ўн соат ишлагандек қилиб кўрсатадилар, дарҳақиқат улар ўн соат ишлаб чарчагандек кўринадилар. Вақтини биладиган, ўзини вақтга тайёргаран киши бир соатда ўн соатлик ишни қилиб қўяди. Қўп кўрганман бундай одамларни. Баъзан одамнинг иши бир кеча-кундуз ишласа ҳам, тугамайди. Унга вақт етмайди. Бу одам вақтнинг маърифатини билмайди, ундан беҳабар. У ўзи қилиши керак бўлган ишларни чегаралаб олмаган. Шунинг учун у қанча кўп ишласин, елкасига қанча кўп ишларни ортимасин, ишида ҳеч қачон унум ва самардорликка эришолмайди. Достоевскийнинг «Иблислар» романига қараб туриб, Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» инни мутлоа қилиб ўтириб, Сино, Бериуни, Навоий сингари зотларнинг асарлари маҳобатига лол қилиб битта нарсага: улар вақтни қанчалар моддийлаштиришлари олганликларига қойил қолмаслик мумкин эмас. Улар ўзларига ажратилган вақтни ютганлар. Уни то инсоният бор экан, мангулаштирганлар. Бу ҳам нисбий. Лекин одамзод мангуликнинг ўзга ўлчовини билмайди ҳали.

Улар толстойлар, улар достоевскийлар, улар синолар, да, дейишнгиз мумкин. Лекин бошқа барча камтарин одамлар ҳам ўзларига табият томонидан ажратилган вақтни шундай оқилонаноб ишларда моддийлаштиришлари мумкин. Қирк яшар италян ёзувчиси

Алессандро Барикко «Денгиз-океан» деган жуда гаройиб роман ёзди. У бошлаб чиққандаёқ Италиянинг энг обрўли адабий мукофотини олди. Уч йил ичида йигирма саккиз мартаба нашр этилди ва қанча кўп нашр қилинмасин, тарқалиб кетаверди. Шу романда бир олим ҳамма нарсаларнинг поёнини қидиради, ҳамма нарсаларнинг охири ва энг бошланғич нуқтасини топиш устида изланади. Масалан, у денгизлар, океанларнинг энг сўнгги ва энг бошланғич нуқтаси қаердалигини топишга интилади. Романнинг бошқа бир қаҳрамони эса одамлар айтадиган дуоларни йиғиб юради. Унинг дафтариди турли муносабатлар билан айтилган минглаб дуолар жамланган. Улар бир-бирига ўхшамайди. Буларни шунинг учун айта-япманки, вақтдан тўғри ва унумли фойдаланиш, вақтдан ютиш учун Сино, Беруний бўлиш шарт эмас. Вақтдан тўғри фойдаланадиган одам энг оддий иш-

бўлса керак. Бу бахтсизликдан яна кўп бошқа бахтсизликлар тарқалади. Эракқидир, аёлдир — ўзига ишониб, ўзини билиб яшасин. Ўзига ишониб яшаш асло ўзига бино қўйиш, устунликка эришиш, устунлик билан тинимсиз мақтанаш дегани эмас.

— **Қонунларга риоя қилган жамият гуллаб-яшайди. Ҳамма гап ўша қонунларнинг қандайлигида.**

Сизнингча, одамлар нега жинойтга қўл уришади?

Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятидан қониқасизми?

— Одам бўлгандан кейин ақли расо бўлса дейсиз. Одам ақли расоликни соғинади. Ақли расолик табиий ва тарбиявий бўлади. Қонунларга, ахлоқий меъёрларга риоя қилиб яшаш ақли расоликнинг бир белгиси. Ҳозир бутун дунё бир қишлоққа айланиб бораёпти. Яшаш ва ўз фаолияти учун зарур қонунларнинг меъёрларини билиш тўғри ва

ВАҚТ

УНИНГ БОРАЁТИШАН КҮНИ...

Олий Мажлис депутати, ёзувчи ва таржимон Иброҳим Ғафуров билан суҳбат


ларни ҳам инсонийликнинг энг улғу ишларига айлантира олади.

Маънавиятнинг маърифати вақтни билиш ва ундан тўғри фойдаланишда, уни бой бермасликда, йўқотиб қўймасликда, вақт етмайди деб нолиб юрмасликда.

Вақт етмайди. Сиз фақат унинг маъносига етсангиз ва умрингизнинг зебига айлантирсангиз, бас.

— **Инсон бахтли яшати керак. Агар бахтли бўлмаса бунга ўзи айбодор. Буюк рус адаби Лев Толстойнинг бу фикри мунозарали эмасми?**

— Одам ўзини дунёга намёнён қилгани келади. Ва одам боласи ташқи дунёнинг жуда кўп таъсирлари, таассуротлари, мувожадатлари, даъватлари ичиде яшайди. Инсон шуларнинг жамулками ичиде ва шулар курган саҳнада ҳаракат қилади. Одамнинг ўз зумраси ва табиатиға жойланган қобилиятларни тўла намёнён этиши, юзага чиқариши — баъзан бу талант жуда-жуда оддий нарсаларда бўлиши мумкин — ўз табиати ва талантиға мос иш тутиши, ўз табиати ва талантиға мос бўлмаган ишларни қилмаслиги ва бундай нарсаларға уринмаслиги — назаримда, одамни ўз умридан қаноатлантирмади. Шундай қаноатда балки ҳақиқий бахтнинг нишонлари бордир. Лекин бахт деган тўшунча ўта нисбий ва ранг-баранг талқинларға эга. Уни хар қим ўзича талқин қилади. Одам беҳад гўзал яратилган хилқат. Одам ўзини қанча кўп ва чуқур англаса, билса, бошқаларни ҳам шунчалар чуқур ва хар томонлама англаб, тушуниб, биллишға муассар бўлади. Ўзини ва ташқи дунёни билмаслик, тўшунмаслик одам-алданлишларға сабаб бўлади. Одам ўзини ҳам, бошқаларни ҳам алдаб яшашға мойил бўлади. Бу ўта бахтсизлик



уларнинг адабиётда акс этган. Шу маънода, таржимон сифатида халқимиз маънавиятини бойитишға катта ҳисса қўшгансиз. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Халқимизни дунёга танитиш учун адабиётчиларимиз, таржимонларимиз амалга ошираётган ишлар қай аҳволда? Шулар ҳақида билгимиз келади.

— Ҳаёт тизимлари, таомиллар шиддат билан ўзгариб бораёпти. Биз энди ер юзининг фуқароларимиз. Дунёнинг қаериде бўлмасин, бир воқеа рўй берса, унинг бизга ҳам дахлдорлиги сезилмоқда ва ҳаётимиз, қарашларимиз, фикримизда акс-садо бермоқда. Адабиёт, матбуот, маданият, санъат мана шу ўзгарувчан ва ўта фикрчан дунё қарши-сиде турибди. Бу шундай оқимки, эндиликда ҳеч ким ундан четда туролмайди, ундан ўзини олиб қочолмайди. Ҳеч кимса, ҳеч бир давлат ерининг бирор парчасини коинотға ёки Ойға олиб чиқиб кетиб яшолмайди. Ер — шу Ер. Ўзга Ер йўқ. Миллатларнинг ер юзиде бир оила бўлиб яшашға хизмат қиладиган белги ва хусусиятлари қолади. Тасодифий, ошини ошиб, ёшини яшаб бўлган белгилар ва хусусиятлари, чизгилар ўчиб кетади. Ҳамма нарсани ҳамқорлик учинг даражаси белгилайди. Жуда катта ва олжаноб ишлар қилаётган «Жаҳон адабиёти» журналининг минг нуска атрофида чиқилиши ва шунинг ҳам зўр-базўр тарқалаётгани ўта ташвишли ҳодиса. Ўзимиздан эркинликнинг кўриниши деб баҳоланар экан, бунга қўшилиб, буни ёқлаб бўлмайди. Файриабий алоқаларға интилиш ва бу нарсаларни кенг халққа тарғиб қилиш одамзоднинг илиғини қуритади, уни таназзулга олиб боради. Табиатнинг ўзи чексиз меҳр-муҳаббат билан аёл ва эрак, нар ва модани жуфт қилиб яратди. Ҳаётни шу жуфтликнинг асосига қурди. Ҳўтж билан кучўк ҳам қилмайдиган ишларни одам боласи қила бошласа, бу ҳаётнинг охири нуқтаси; инсоният бу оғир разолатдан ўзини тўхтатиши зарур.

— **Дунё халқларининг ўрганаск арзийдиган жиҳатлари жуда кўп. Бу**

хусусиде гап кетганда шундай дейишадиган. Шунга ўхшаш тафовутларнинг яқини ва ёмон жиҳатлари тўғрисида нима дея оласиз?

— Демократиянинг универсал принциплари мавжуд. Улар инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларидир. Бошқача демократия йўқ. Қолганлари ўз ўлчовиға кўра бичиб-тўқишлардир. Ҳамма гап қарашларда, нуқтаи назарларда, фикрлашларда. Бу нарсаларда Фарбада ҳам, Шарқда ҳам не турфа ранг-барангликлар бор. Ва бу жуда ҳам яқин. Фарб дунёсининг айрим қатламларида эркинликни чек-чегараси йўқ бир ҳодиса деб тушунишади. Ақл бовар қилмайди-ва ҳақ-ҳуқуқларнинг амалда намёнён бўлиши, самара бериши учун ҳаракат қилишдир. Ҳақ-ҳуқуқини танимаган, билмаган одамдан нимани кутиб бўлади? Фақат ўта содда одамларгина: «э, қонунларнинг ҳаммасини ўрганиб охириға етиб бўлармиди, йигирма беш миллион аҳолининг ҳаммаси қонунларни билиши шартми? Худо етказганиға қараб шукур қилиб яшайвер-да» деб ўғит қиладилар. Ҳолбуки, эндиликда содда одамнинг арвааси лойға ботиб ётаверди. Соддалиқда ижобийлик қолмади. Соддалиқ ҳамма ҳаётий қадриятларни ютқишиш, бой бериш, орқаға сурилиб кетавериш билан баробар бир нарсаса айланади. Ҳуқуқий маданиятнинг йўқлиги ёки заифлиги тушуқлик, бўшанглик, қўрқоқлик, оғзидаги нонини олдириб қўйишға олиб келади. Бўшанг одамнинг ризиқни ваҳийлар талаб ейдилар. Ваҳийларнинг талончилиғиға йўл қўймаслик — мана шу ҳуқуқий маданият. Акс ҳолда у йўқ.

— **Баъзи масалаларға муносабатда биздаги ва Фарбадаги қарашлар фарқланади. Дейлик, демократия**

уларнинг адабиётда акс этган. Шу маънода, таржимон сифатида халқимиз маънавиятини бойитишға катта ҳисса қўшгансиз. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Халқимизни дунёга танитиш учун адабиётчиларимиз, таржимонларимиз амалга ошираётган ишлар қай аҳволда? Шулар ҳақида билгимиз келади.

— Ҳаёт тизимлари, таомиллар шиддат билан ўзгариб бораёпти. Биз энди ер юзининг фуқароларимиз. Дунёнинг қаериде бўлмасин, бир воқеа рўй берса, унинг бизга ҳам дахлдорлиги сезилмоқда ва ҳаётимиз, қарашларимиз, фикримизда акс-садо бермоқда. Адабиёт, матбуот, маданият, санъат мана шу ўзгарувчан ва ўта фикрчан дунё қарши-сиде турибди. Бу шундай оқимки, эндиликда ҳеч ким ундан четда туролмайди, ундан ўзини олиб қочолмайди. Ҳеч кимса, ҳеч бир давлат ерининг бирор парчасини коинотға ёки Ойға олиб чиқиб кетиб яшолмайди. Ер — шу Ер. Ўзга Ер йўқ. Миллатларнинг ер юзиде бир оила бўлиб яшашға хизмат қиладиган белги ва хусусиятлари қолади. Тасодифий, ошини ошиб, ёшини яшаб бўлган белгилар ва хусусиятлари, чизгилар ўчиб кетади. Ҳамма нарсани ҳамқорлик учинг даражаси белгилайди. Жуда катта ва олжаноб ишлар қилаётган «Жаҳон адабиёти» журналининг минг нуска атрофида чиқилиши ва шунинг ҳам зўр-базўр тарқалаётгани ўта ташвишли ҳодиса. Ўзимиздан эркинликнинг кўриниши деб баҳоланар экан, бунга қўшилиб, буни ёқлаб бўлмайди. Файриабий алоқаларға интилиш ва бу нарсаларни кенг халққа тарғиб қилиш одамзоднинг илиғини қуритади, уни таназзулга олиб боради. Табиатнинг ўзи чексиз меҳр-муҳаббат билан аёл ва эрак, нар ва модани жуфт қилиб яратди. Ҳаётни шу жуфтликнинг асосига қурди. Ҳўтж билан кучўк ҳам қилмайдиган ишларни одам боласи қила бошласа, бу ҳаётнинг охири нуқтаси; инсоният бу оғир разолатдан ўзини тўхтатиши зарур.

— **Дунё халқларининг ўрганаск арзийдиган жиҳатлари жуда кўп. Бу**

Суҳбатдош: Ҳасан НИШОНОВ, «HUQUQ» муҳбири

✓ МУЛОҲАЗА

Ўзбекистон Конституциясининг 11-моддасига мувофиқ судлар ҳокимиятини мустақил тармоғи

ҳисобланади. Судлар фаолиятининг нечоғли самарали йўлга қўйилганлиги шу давлатда адолатнинг, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қай даражада таъминланганлигини кўрсатиб берувчи асосий мезондир. Шундан келиб чиққан ҳолда Президентимиз Олий Мажлиснинг иккинчи қаҳирик тўққизинчи сессиясида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишни алоҳида йўналиш этиб белгилаб, бу соҳадаги энг муҳим вазифа суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш дегя таъкидлади. Ушбу вазифани амалга ошириш учун 2002 йил 30 сентябрда Президент фармойишига кўра махсус дастур қабул қилинди. Дастурнинг 4-қисми «Суд-ҳуқуқ ислохотлари ва судлар мустақиллиги» деб номланиб, унда бу соҳада келгусида амалга оширилиши керак бўлган вазифалар белгилаб берилди. Ҳақиқатан ҳам, қаерда судлар мустақил бўлмас экан, шу ерда судьяларнинг ҳолислиги, адолат ва қонун талаблари бузилиши муқаррар.

Ўзбекистонда истиқлолнинг ўн бир йили мобайнида судлар фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Бу борада, аввало, судлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар мажмуи, қонунчилик базаси яратилди. Жумладан, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямизда, 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Қонунда, 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатларида судларнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Президентининг 2000 йил 14 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонида илк бор суд тизимини такомиллаштириш назарда тутилган бўлиб, мазкур фармон суд тизимининг демократик асосларини ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштириш, суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқирилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада оширишга қаратилган. «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг (2000 йил 14 декабр) янги таҳририга кўра Ўзбекистон Республикаси суд тизимини ўзгартириш киритилиб, илк бор судларнинг фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ихтисослашуви жорий этилди.

Ўтган йиллар давомида биринчи бор мамлакатимизда апелляция инстанцияси жорий этилди. Маълумки, бугунги кунда АҚШ, Франция каби ривожланган давлатларда апелляция инстанцияси самарали фаолият юритмоқда. Ўзбекистонда мазкур суд инстанциянинг жорий этилиши, энг аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлароқ таъминлаш, қонунга ёки ижтимоий адолатга хилоф ҳукм, ҳал қилув қарорларидан фуқаролар жабр кўриб қолишининг олдини олиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун кишиларга янада кенг имконият яратиш ҳамда биринчи инстанция судларининг самарали ишлашини таъминлашга қаратилгандир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 21 сентябрда қабул қилинган 383-қарорига биноан Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти тuzилди.

Суд қарорлари ва бошқа органларнинг қарорлари сўзсиз ижро этилишини таъминлаш, суд-



СУДЛАР ФАОЛИЯТИ

ИСЛОХОТ ДАВОМ ЭТАДИ

ялар ва судлар аппарати ходимларининг меҳнат шариғи ва ижтимоий таъминотини яхшилаш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш ва уларни тегишли органларга киритиш, судьялар, суд процессларининг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш кабилар департаментнинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Албатта, келгусида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳали кўп. Жумладан, назаримизда, судлар ишини такомиллаштириш учун махсус ихтисослашган судьялар фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, умумий юрисдикцияли судлар қошида воёга етмаганлар ишлари бўйича, оила, меҳнат низолари, мерос каби энг кўп қўриладиган ёки алоҳида хусусиятга эга бўлган ишлар бўйича махсус ихтисослашган судьялар фаолиятини йўлга қўйиш лозим.

Бунда, биринчидан, муайян ихтисослик бўйича профессионал судья кадрлар захираси вужудга келади; иккинчидан, судларга келиб тушаётган ишларни тўғри, тез ва адолатли ҳал қилиш таъминланади. Чунки бугунги кунда судьялар томонидан қўлланилаётган қонунлар доираси кундан

кунга кенгайиб бормоқда, шу боис ҳар қандай тажрибали судьянинг ҳам барча қонунларни мукамал билиши ҳақиқатдан йироқдир. Тараққий этган давлатларнинг тажрибасига назар солсак, уларнинг қарийб барчасида махсус ихтисослашган судлар ва судьялар фаолияти йўлга қўйилган. Биргина АҚШда округ судлари қошида воёга етмаганлар ва оила ишлари бўйича, мерос, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш, солиқ ишлари бўйича судлар фаолияти йўлга қўйилган. Ихтисослашган судьялар фаолиятини йўлга қўйиш учун, аввало, юридик олий ўқув юрларида ҳуқуқнинг муайян соҳаси бўйича факультетларни жорий этиш ҳамда уларда ҳуқуқнинг алоҳида тармоқларини чуқурлаштириб ўргатиш

лозим. Юридик олий ўқув юрларидаги ҳозирги таълим жараёни универсал характерга эга бўлиб, талабадан барча ҳуқуқ тармоқларини бир хилда ўзлаштириш талаб этилади. Аммо тажрибадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, талаба тўрт йиллик таълим давомида барча юридик фанларни ҳар томонлама, мукамал ўрганишга жисмоний ва руҳий жиҳатдан улгурмайди. Шунинг учун назарда тутиб, аксарият давлатларда профессионаликка эришиш мақсадида факультетига қараб муайян ихтисосликлар бўйичагина мутахассис кадрлар тайёрланади.

Келгусида, шунингдек, Конституциявий судга кўриб чиқиш учун масаллар киритиш ҳуқуқини фуқароларга ҳам бериш мақсадга мувофиқдир. 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасида Конституциявий судга кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ваколати фақат Олий Мажлис, Ўзбекистон Президентини, Олий Мажлис Раиси, Қорақалпоғистон Жўқорги Кенгеси, Олий Мажлис депутатлари умумий таркибининг ҳамиди тўртдан бир қисмидан иборат бўлиб келган.

рат депутатлар гуруҳи, Ўзбекистон Олий судининг раиси, Олий ҳужалик судининг раиси ва Бош прокуроргагина берилган бўлиб, фуқароларга бундай ваколат берилмаган. Аксарият давлатлар, жумладан, Россия Федерациясида фуқароларга ҳам Конституциявий суд муҳокамасига турли масалаларни киритиш ваколати берилган бўлиб, бу қонунчиликни такомиллаштиришда муҳим ўрин тутмоқда. Конституциявий суд кўрайдиган масалаларнинг қарийб 80 фоизи фуқаролар томонидан киритилмоқда. Бу муносабатларнинг самараси ўлароқ фуқаролар ташаббуси билан қонунларга кўплаб ижобий ўзгартиришлар киритилапти. Масалан, биргина Россия Конституциявий судининг «Фуқаролар С.Маленкин, Р.Мартинови ва С.Пустоваловларнинг муносабати билан Россия Жиноят-процессуал кодексининг 90-96-, 122-, ва 216-моддаларининг конституциявийлигини текшириш ҳақидаги иши бўйича» 2002 йил 14 мартдаги қарори натижасида ушбу турининг 72 соатлик тартиби бекор қилиниб, Россия парламенти томонидан шахсни 48 соат давомида ушлаб туриш мумкинлиги жорий этилди.

Ҳозирда фуқаролик ишлари бўйича судлар асосан уч ёки тўртта туманга битта ташкил этилган бўлиб, келгусида бу судлар ҳам жиноят ишлари бўйича туман судлари каби босқичма-босқич ҳар бир туманга биттадан ташкил этилиши лозим. Масалан, Наманган вилоятининг Чуст, Поп, Тўрақўрғон туманларига битта фуқаролик ишлари бўйича суд ташкил этилган. Биргина Чуст туманидаги Олмос қишлоғида 29.000 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилишнинг инobatга оладиган бўлса, туманлараро суд учта тумандан келиб тушаётган фуқаролик ишларини етарли, асосли, қонунга мос ҳал этишга жисмоний ва ақлий жиҳатдан улгурмайди. Натижанда ишларнинг тўғри ҳал этилиши гумон остида қолади. Ривожланган давлатларда ўртача 20.000 кишига битта судья тўғри келади. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларда эса уч ёки тўрт туманга асосан битта ёки иккита судья жимат қилимоқда. Тўғри, бу масалани ҳал этиш асосан давлат бюджети билан бевосита боғлиқ, лекин суд ҳокимияти давлат ва жамият ҳаётида адолатли, мувозанатли таъминловчи механизм бўлгани ва жамият ҳаётида иқтисодий функцияларни бажарувчи баъзи идораларнинг ҳатто туманларда ҳам давлат бюджети ҳисобидан фаолият юритаётганини инobatга оладиган бўлса, бу муаммони ҳал этишда асосий сабаб бўла олмаслигига амин бўламиз.

Судларнинг моддий техник базасини янада кенгайтириш, бу мақсадни амалга ошириш учун ҳалқаро ташкилотларнинг моддий ресурсларини фаол жалб қилиш лозим. Бу борада судларни суд мажлисларини ёзиб борувчи махсус программалаштирилган компьютер, аудио технологиялар билан таъминлаш (бунинг натижасида суд баённомаларини мажлисдан ташқарида ёзиш, уни файрқонуний ўзгартириш, суд мажлисида қатнашаётган процесс иштирокчиларини баённомада қатнашидиган деб қай этиш кабиларнинг олди олинди, юқори судларда ишни текширишни осонлаштиради) муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирча бу технологиялар Буюк Британия кўмағида Фаргона вилоятининг айрим судларига ўрнатилган бўлиб, амалда самарали фойдаланилган.

Албатта, биз эришган ютуқларимиздан фخرланамиз, аммо мавҳуд муаммоларни ҳам аввало ўзимиз, давлатимиз келажаги учун қайғурайдиган фидойи кишилар ҳал этмоғи лозимдир. Zero, ҳеч қанга бизга четдан келиб бу муаммоларни ҳал этиб бермайди.

Луғбек ОХУНОВ,
ҳуқуқшунос

✓ БОҶХОНА НАЗОРАТИ

Маълумки, Президентимизнинг 2002 йил 6 ноябрдаги фармони билан мамлакатимизнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва боғжона қонунчилигига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида шу йилнинг 11 июлидаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудиغا истеъмол товарлари олиб келинишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонга қўшимча киритилди. Унга биноан, 2002 йил 10 ноябрдан бошлаб чегарадан боғжона қонунчилигини бузган ҳолда кўп ва жуда кўп миқдорда товар ўтказилган ҳолатларда ушбу товарлар ҳамда шу мақсадларни амалга оширишда фойдаланилган жисмоний ва юридик шахсларга тегишли автотранспорт воситалари белгиланган тартибда давлат эгалигига ўтказилади.

Айни пайтда ушбу фармон ижросини таъминлаш борасида тегишли идоралар томонидан қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Жумладан, Бухоро вилоят боғжона бошқармасининг 10-«Ҳужадавлат» боғжона пости ходимларининг ўз бурчига содиқлиги туфайли 13 ноябрь куни Туркия фуқароси Серин Юсуфнинг қонунга зид хатти-ҳаракатига чек қўйилди. Серин Юсуф Туркиянинг Газмантеп вилоятидаги «Солак» автотранспорт ширкатига ҳайдовчи бўлиб ишлайди. Ширкатда ҳайдовчилик қилиш Юсуфга чинакам омад келтирди. Негаки, узок юртларга қатнаш

ЎЗИГА ЗИЁН КЕЛТИРДИ

нечоғли қийин бўлса, хузур-ҳаловати ҳам шунга мувофиқ даражада эди. Худо ҳар қимнинг ниятига яраша марҳамат қиларкану, ҳамма гап ишни қойиллатиб қўйишга экан. Бу сафар ширкат унга шартнома асосида «Ман» русумли 27-223 давлат белгили юк машинасини ишониб топширди.

2600 долларини боғжона назоратидан яшириб, ёнида 1800 АҚШ доллари мавҳудлиги ҳақида кўрсатма бериб декларация тўлғазади. Шу тариқа Ўзбекистон Марказий банкнинг 13 ноябрь кунги курси бўйича (1 доллар = 883 сўм 36 тийин) 2.296.736 сўмлик 2600 АҚШ долларини яширинча Ўзбекистон ҳудудига ўтказди.

Шундан сўнг С.Юсуф машинасидаги юкни Бухоро ширқидаги хусусий фирмалардан бирига топширади. Кейин Самарқанд ширқидида «Эскорт» автотарқидида сақланаётган 21000 килограмм ёнғок магзини Туркияга олиб бориш учун келишиб, юкни 2002

йил 13 ноябрь куни тахминан соат 15 ларда мамлакатимиз ҳудудидан олиб чиқиб кетаётган пайтда яна «Олот боғжона комплекси» ходимларига рўпара бўлади. Бу сафар ҳам у ёнидаги 2600 долларни декларацияда кўрсатишни лозим топмайди.

Юсуфнинг бу қилиғи ўзига зиён келтирди. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тегишли жазосини олди.

Тождидин ҚОБИЛОВ,
Бухоро вилоят
прокуратурасининг терговчиси.
Собир САНОЕВ,
журналист



«Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг (янги тахрирдаги) 52-моддасига мувофиқ Ўзбекистон прокуратура органлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири қонун устуворлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш ва уларни ҳимоялаш, жиноят ва фуқаролик ишлари юзасидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, жиноятчиларни экстрадиция қилиш бўйича бошқа мамлакатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳисобланади. Прокуратура ходимларининг Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларда бўлаётган турли тадбирларда иштирок этиши халқаро ҳамкорлик шакллари-дан биридир. Улар орасида БМТ, ЕХХТ сингари нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан уюштирилган тадбирлар муҳим ўрин тутди.

Икки томонлама муваффақият-ли ҳамкорликка Ўзбекистон Бош прокуратураси ва Хитой Халқ Республикаси Олий халқ прокуратураси ўртасида имзоланган ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битими мисол тарихида келтириш мумкин. Ушбу битимга мувофиқ ўзаро алоқалар ривожланиб бормоқда. Делегациялар алмашиши йўлга қўйилган. Мисол учун, Республика Бош прокурори Р.Қодиров бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси 2000 йил октябрь ойида Хитойга расмий ташриф буюриб, Пекинда ўтказилган халқаро конференцияда иштирок этди. Шунингдек, делегациямиз мамлакатнинг Синцзян ва Фуаджоу вилоятларида бўлди.

Ушандан бошлаб бундай делегацияларнинг Хитойга ташрифи

мунтазам тус олди. Жумладан, 2001 йили Бош прокурор ўринбосари П.Бобононов бошчилигидаги делегация Хитойга борди. 2002 йилда эса Республика Бош прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси Ж.Файзиев хизмат сафари билан ушбу мам-

ХАЛҚАРО ХАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

лакатда бўлди.

Прокуратура ходимларининг тажриба алмашиш, ҳар хил семинар ва ўқув машғулотларида қатнашиш мақсадида хорижга уюштирилган сафарлари сони ҳар йили ортиб бормоқда. Бу борада Республика Бош прокуратурасининг АҚШ Давлат департаменти билан ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. 2001 йил март ойида Вашингтон шаҳрида «Кризис бошқаруви юқори даражада» мавзусида ўтказилган семинарда Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари А.Эргашев раҳбарлигидаги, «Терроризмга қарши кураш» мавзусидаги семинарда эса Бош прокурор ўринбосари Х.Незматов раҳбарлигидаги делегация қатнашди. Бош прокурор ўринбосари А.Холмаҳматов раҳбарлигидаги делегация 2002 йил июнь ойида террорчиликка қарши қонунчилик масаласи бўйича бўлиб ўтган конференцияда иштирок этди. Умуман, охириги йилларда мамлакатимизнинг турли минтақалари вакиллари бўлиши Б.Нурмухаммедов, Н.Ҳамроев, Х.Абдувоҳидов, Н.Хабидуллин сингари кўплаб прокуратура-тергов ходимлари терроризм, инқирозлар, коррупция, портлашлар, уюшган жиноятчилик билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш масалалари ва терговнинг бошқа турлари бўйича АҚШда малакасини ошириб қайтишди.

Бу борада Европа ва Осиё мам-

лакатлари билан ҳамкорлик ҳам кенгайиб бормоқда. Бош прокуратура ходимлари Германия, Швейцария, Венгрия, Хитой, Хиндистон, Япония, Филиппин каби мамлакатларда ўтказилган турли тадбирларда иштирок этдилар. Прокурорлар иштироки фақат семинар ва ўқув машғулотлари билан чекланиб қолаётгани йўқ. Ўзбекистон Харибий прокурорининг биринчи ўринбосари Ш.Узоқов 2002 йил декабрь ойида Германиянинг Бонн шаҳрида дунёнинг ривожланган давлатлари вакиллари иштирокида «Чегара билмас жиноятчиликка қарши кураш» мавзусида ўтказилган сиёсий мулоқотда қатнашди.

Охириги уч йил мобайнида прокуратура органларининг 67 ходими

нинг янги тайинланган раҳбари А.Эрозан қабул қилинди.

Бош прокуратура ҳузуридаги ўқув маркази директори Э.Абзалов ва Бош прокуратуранинг халқаро бўлими бошлиғи А.Мухамедовлар биргаликда АҚШ Давлат департаментининг юридик масалалар бўйича махсус маслаҳатчиси Синтия Стоун хонимни қабул қилишди. Учрашувда прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш масаласи кўриб чиқилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган «Амнести Интернейшнл», «Хьюман Райтс Вотч» каби халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг расмий органлари ва чет эл фуқароларидан келиб тушаётган мурожаатларни

13 та хорижий мамлакатда бўлди.

Хорижий ҳамкасблар билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ахборот ва материаллар алмашиш яхши анъанага айланиб бормоқда. Ҳозирги пайтда Ташқи ишлар вазирлиги кўмағида бир қатор Европа мамлакатлари прокуратуралари билан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида икки томонлама ҳамкорлик ўрнатилган масаласи кўриб чиқилаяпти.

Ўзбекистон Бош прокуратурасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари мунтазам равишда қабул қилинмоқда. Жумладан, яқинда Бош прокурор Р.Қодиров БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачиси Тео Ван Бовени қабул қилди. Учрашувда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тақомиллаштириш йўллари тўғрисида фикр алмашилди. АҚШ Давлат котибининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат масалалари бўйича ўринбосари Л.Кранер бошчилигидаги АҚШ делегацияси прокуратура раҳбарияти қабулида бўлди. Бундан ташқари, яқинда ЕХХТнинг Тошкентдаги Маркази-

куриб чиқишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари Қозғистон Президенти ҳузуридаги инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиядан, Россия Федерациясидаги инсон ҳуқуқлари бўйича вакилдан, БМТ қочоқлар ишлари бўйича Бош комиссарининг Тошкентдаги ваколатхонасидан мурожаатлар тушган. Мурожаатлар асосан шахсларнинг ноқонуний равишда ушланиши ёки судланиши, ўлим жазосини бекор қилиш, пенсия таъминоти масаласи ва алоҳида шахсларнинг бошқа ҳуқуқларига тааллуқли бўлиб, улар юзасидан тегишли чоралар кўрилган.

Ишонамизки, маъзур тадбирлар, прокуратура органларининг тобора кенгайиб бораётган халқаро алоқалари прокуратура ходимларининг иш савияси ва услубларининг тақомиллаштишига, жиноятчиликка қарши курашнинг умумий аҳволи яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади.

А.МУҲАМЕДОВ,

Республика Бош

прокуратурасининг миллатлараро ва халқаро муносабатларда қонуний ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи

йили бу чеклашларга барҳам берилди. Ҳозирги пайтда юздан зиёд давлат мазкур конвенцияга аъзо ҳисобланади.

Ривожланмаган давлатларда, шунингдек ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ йирик қўламли инсонпарварлик акциялари бўйича харажатларни бир ўзи қоплаш олмайдиган мамлакатларда қочоқларни кўплаб учратиш мумкин. Бундай пайтларда БМТ ҚОКБ ваколатли давлат органлари билан келишган ҳолда жабр кўрган аҳолига озиқ-овқат етказиб беради, тиббий хизмат кўрсатади. Бундан ташқари таълим олиш, ижтимоий таъминот ҳуқуқидан фойдаланиш, иш билан таъминлаш бўйича ёрдам қўлини чўзади. БМТ ҚОКБ фаолиятининг ўзгариши бошқа ташкилотлар, масалан, давлат департаментлари, БМТ тизимидаги бошқа агентликлар, нодавлат ташкилотлар, ҳатто тинчликпарвар ҳарбий кучлар билан ҳамкорликда ёрдам кўрсатиш ташкил этади. БМТ ҚОКБ қочоқларнинг ўзини ҳам қочоқлар кўмиталарини ташкил этиш ва бошқа тизимларни кенгайтириш орқали ёрдам кўрсатиш дастурини амалга оширишга жалб қилади.

БМТ бюджетидан маъмурий эҳтиёжлар учун ажратилгандаги маблағ ва зарурий воситаларни ҳисобга олмганда ҚОКБ ҳужжатлар ва нодавлат ташкилотлари, шунингдек, алоҳида шахсларнинг кўнгилли равишда тўлайдиган бадалларидан молиялаштирилади.

Дилфуза ОКМИРЗАЕВА,

АДУ ҳуқуқшунослик факультети

талабаси

NIQON

УМУМБАШАРИЙ МУАММО

Афғонистон, Босния, Тожикистон, Сомали...

Қочоқлар ҳақида гап кетганда аввало мана шу давлатлар номи тилга олинади. Фуқаролар уруши ва турли тазйиқлар натижасида иссиқ ўйларидан айрилган одамлар сони ҳозирда 50 млн.ни ташкил этади ва бу рақам кундан-кун ўсиб бормоқда.

Тобора глобаллашиб бораётган бу муаммо инсоният олдига жавоби топилмиш лозим бўлган кўплаб саволларни қўймоқда. Масалан, ўзига бошлана излаётган одамлар оқими олдидан дунё давлатлари қай даражада бурчи? Қочоқлар ва бошқа тоифадаги муҳожирлар ўртасида қандай фарқ бор? Одамларнинг ўз юртиларини тарк этишларига қандай чек қўйса бўлади? Янги ерларда ҳаётини изга тушириб олишлари учун қочоқларга қандай ёрдам бериш мумкин?

Ушбу муаммо умумбашарий тус олган экан, уни ҳал қилиш учун давлатлараро микёсда тадбирлар амалга оширилиши талаб этилади. Бу борада БМТнинг роли беҳисоб. БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича олий комиссари

бошқармаси (ҚОКБ) БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ташкил этилган бўлиб, 1951 йил 1 январдан фаолият бошлаган. Ташкилот қочоқларни муҳофаза қилиш ва уларнинг муаммолари ечимини излаш билан шуғулланади. Аввалига у вақтинчалик муддатга тузилган бўлиб, ўз йил ўтгандан сўнг Бош Ассамблея ҚОКБ мандатини беш йилга узайтирди. Шундан кейин бу анъана тусига кириб қолди.

ҚОКБ Бош комиссарини БМТ Бош котиби тавсисига биноан Бош Ассамблея тайинлайди. Ташкилот вужудга келганидан бери саккиз нафар Бош комиссар алмашди. Айни пайтдаги Бош комиссар япониялик Садако Огата хоними бўлиб, у ўз вазифасига 1991 йил 1 январдан бошлаб киришган. 50 та мамлакат вакиллари билан таркиб топган ижроия қўмитаси БМТ ҚОКБ бюджети устидан назоратни амалга оширади ва қочоқларни ҳимоя қилиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

БМТ ҚОКБ ваколати доирасига маълум бир динга, ижтимоий гуруҳга, фуқароликка эга бўлиб, таъбиб қурбони бўлиб қолиш ҳавфи тутилган ҳар қан-

дай шахсни муҳофаза қилиш қиради. Ташкилот ҳарбий низоолардан ва инсон ҳуқуқларининг қўлоп равишда бузилишидан қочиб қутулган шахслар билан мунтазам шуғулланади. Бундан ташқари ҚОКБ қочоқларни ўз ватанларига қайтариш ва уларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тиклашга ҳам ёрдам беради. Қочоқларни ҳимоя қилиш ҳамisha БМТ ҚОКБнинг асосий вазифаси бўлиб қолади. Бунда қочоқлар мақомини белгиловчи БМТ конвенцияси асосий рол ўйнайди. Конвенцияда «қочқор» тушунчасига изоҳ берилиб, мазкур тоифага мансуб шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилан қўйилган.

1951 йилда қабул қилинган мазкур конвенциянинг асосий усустияти шундаки, ҳеч бир инсон хоҳиш-иродасига эид равишда ватанига мажбуран қайтарилиши мумкин эмас.

Конвенция аввалига 1951 йилдан олдин содир бўлган воқеалар оқибатида қочоққа айланган шахсларга нисбатангина қўлланилар эди ва унга қўшилган давлатларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, фаолият доирасини Европадаги қочоқлар билан чекларди. 1967

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

Ta' sischilar:

O`zbekiston Respublikasi

Bosh prokuraturasi,

Toshkent shahar va

Toshkent viloyati

prokuraturalari,

«Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:

Abduxoliq

ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,

Dilshod Islomov

(Bosh muharrir o`rinbosari),

Jahongir Sharofboyev

(mas'ul kotib),

Lola Shomurodova,

Hasan Inoyatov,

Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot

qo`mtasida №00150 raqam

bilan ro`yxatga olingan.

Nashr ko`rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri,

akademik Yahyo G`ulomov

ko`chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.

Reklama va e'lonlar:

133-82-34

E-mail: huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo`lyozma

va suratlar egalariга

qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari

tahririyat fikridan farqlanishi

mumkin.

Nashrimizdan ko`chirib

bosilganda «Huquq»dan

olinganligi ko`rsatilishi shart.

Tijorat ahamiyatiga molik

materiallar ** belgisi ostida

chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter

bazasida terildi va sahifalaqdi.

«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida ofset usulida A-3

formatda chop etildi.

Korxonа manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Taron ko`chasi, 41.

Buyurtma Г - 3149

Nusxasi — 20122

Gazeta haftaning chorshanba

kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir:

H. NISHONOV

Navbatchi: F.MAMASHARIPOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00

Bosmaxonaga topshirildi 18.30

